

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

КУРБАНОВ ФЕРУЗ ЭНАТИЛЛАЕВИЧ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА КАРПСИМОН БАЛИҚЛАР
ЛИГУЛИДОЗЛАРИНИНГ ЭПИЗОТОЛОГИЯСИ, ДАВОЛАШ ВА
ПРОФИЛАКТИКА ЧОРА ТАДБИРЛАРИ

03.00.06 – Зоология

ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2022

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
ветеринарным наукам**

Content of the abstract of doctoral dissertation (PhD) on veterinary sciences

Курбанов Феруз Энатиллаевич

Самарқанд вилояти шароитида карпсимон балиқлар лигулидозларининг
эпизоотологияси, даволаш ва профилактика чора тадбирлари..... 3

Курбанов Феруз Энатиллаевич

Эпизоотология, лечение, профилактика и меры борьбы при лигулидозах
карповых рыб в условиях Самаркандской области..... 21

Kurbanov Feruz Enatillaevich

Epizootology, treatment, prevention and control measures for ligulidosis of
cyprinids in the Samarkand region..... 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 40

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

КУРБАНОВ ФЕРУЗ ЭНАТИЛЛАЕВИЧ

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА КАРПСИМОН БАЛИҚЛАР
ЛИГУЛИДОЗЛАРИНИНГ ЭПИЗОТОЛОГИЯСИ, ДАВОЛАШ ВА
ПРОФИЛАКТИКА ЧОРА ТАДБИРЛАРИ**

03.00.06 - Зоология

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/V35 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд ветеринария медицинаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samvmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Даминов Асадулло Сувонович ветеринария фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Юлдашев Мансур Арзиқулович биология фанлари доктори, профессор Мавланов Сабиржон Ибодуллаевич ветеринария фанлари доктори, катта илмий ходим
Етакчи ташкилот:	Ветеринария илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд ветеринария медицинаси институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06/30.12.2019 V.12.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил « 12 » 02 соат « 14⁰⁰ » даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел.: (99866) 234-76-86; e-mail: samvmi@edu.uz)

Диссертация билан Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (14293 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел.: (99866) 234-76-86.

Диссертация автореферати 2022 йил « 21 » 01 кун тарқатилди.

(2022 йил « 21 » 01 даги № 20 - рақамли реестр баённомаси)




Х.Б.Юнусов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, биол.ф.д., профессор


Ш.Х.Курбанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, вет.ф.н., доцент


Қ.Н.Норбоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, вет.ф.д.,
профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, жумладан, балиқ ва ундан тайёрланадиган парҳез озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ушбу талабни қондириш, янги иш ўринларини яратиш, балиқ ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш муҳим вазифа ҳисобланади. «Балиқчилик соҳасининг ривожланишига балиқларда учрайдиган паразитар касалликлари жиддий зарар етказиб, улардан келадиган иқтисодий зарар ўртача 8-10% ни ташкил этмоқда»¹. «Кейинги йилларда сув ҳавзалари ва сув омборларида балиқларнинг паразитар касалликлари, айниқса лигулёз ва диграммос кенг тарқалиб бораётганлиги қайд этилмоқда»². Шунга кўра, турли сув ҳавзаларида балиқларнинг инвазион касалликларини аниқлаш, даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим илмий аҳамият касб этади.

Дунё миқёсидаги сув ҳавзаларидан самарали фойдаланиш технологияларини ишлаб чиқиш, балиқ маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш, сунъий сув ҳавзаларида интенсив балиқчиликни жадал ривожлантириш ҳисобигагина балиқчиликда рентабелликнинг оширилишига эришиш мумкин. Бу борада, ер юзининг турли минтақаларида табиий ва сунъий сув ҳавзаларида кўпайтирилаётган карпсимон балиқлар (*Cyprinidae*) оиласи вакиллари алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур оилага мансуб балиқларни аквакультурада интенсив етиштириш, уларнинг турли сув ҳавзалари ва шароитларига мослашиши шунингдек худуд гелминтофаунасининг шаклланишида асосий ўринни эгаллайди. Шу боисдан ҳам ушбу оила вакилларида учрайдиган гелминтозларни ўз вақтида аниқлаш, самарали даволаш ва профилактика тадбирларини амалга ошириш долзарб ҳисобланади.

Мамлакатимизда барча соҳалар қатори балиқчилик тармоғини ривожлантириш, аҳолини сифатли балиқ ва балиқ маҳсулотлари билан таъминлаш ва балиқчиликни ривожлантиришнинг интенсив усулларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида муайян натижаларга, жумладан, Республикаимизда кенг тарқалган балиқларнинг турлари, уларнинг тарқалиши ва биологик хусусиятларини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар бўйича муайян ютуқларга эришилди. Шу билан бир қаторда, карпсимон балиқларда учрайдиган гелминтозларни даволаш ва олдини олишга қаратилган тадқиқот ишларига етарлича эътибор қаратилмаган.

Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, республикаимиз сув ҳавзаларидаги карпсимонлар (*Cyprinidae*) оиласига мансуб балиқларда учрайдиган гелминтозларни аниқлаш ва уларга қарши курашиш, даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини

¹Ржавская Ф.М. Жиры рыб и морских млекопитающих. М.: Пищевая промышленность, 1976.-473 с.

²Русеник О.Т. Паразиты рыб озера Байкал (Фауна, сообщества, зоогеография, история формирования). М.: Товарищество научных изданий КМК, 2007.-571 с.

ташқил этиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»³ги Фармони, 2017 йил 1 майдаги ПҚ-2939-сон «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4005-сон «Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқотлар республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Балиқларнинг паразитар касалликларининг тарқалиши, олдини олиш ва қарши кураш чоралари бўйича хорижда J.Dupouy-Comet, T.E.Boutorina, V.Carter, L.Saldogo-Maldonada, R.Lonnert, A.A.Лысенко, В.А.Христич, А.М.Музыкаковский, А.П.Решетников, А.А.Иванов, В.Ю.Петришка, И.Е.Быховская-Павловская, Д.М.Коротова, Л.А.Никонова, Ўзбекистонда С.О.Османов, А.Н.Ўразбаев, С.Б.Каримов, Э.Б.Шакарбаев, Ф.Э.Сафарова, П.С.Ҳақбердиев ва бошқалар томонидан балиқларда учрайдиган паразитар касалликларнинг паразитофаунаси, эпизоотологияси, даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларига бағишланган тадқиқотлар олиб борилган.

Аммо, республикамизда карпсимон балиқлар цестодозларининг эпизоотологияси, даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларини ўрганиш бўйича тизимли илмий-тадқиқотлар олиб борилмаган. Шу боисдан Ўзбекистон шароитида балиқларда энг кўп учрайдиган цестодоз касалликларидан ҳисобланган лигулидозларни ҳар томонлама ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан ҳисобланиб, муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг «Парранда, балиқ, асалари ва мўйнали ҳайвонлар касалликларини самарали даволаш, профилактик ва махсус воситаларни ишлаб чиқиш» (2019-2021 йй.) мавзусидаги хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Самарқанд вилоятининг сунъий ва табиий сув ҳавзаларида урчитилаётган карпсимонлар (*Cyprinidae*) оиласига мансуб балиқлар лигулидозларининг тарқалиши, эпизоотологияси, даволаш ва олдини

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Самарқанд вилоятининг сунъий сув ҳавзаларидаги карпсимонлар (*Cyprinidae*) оиласига мансуб балиқларнинг лигулидозларини эпизоотологиясини аниқлаш;

балиқ лигулидозларини йил фасллари ва биоэкологик омиллар кесимида тарқалишини таҳлил қилиш;

балиқ лигулидозларини даволаш ва олдини олишда замонавий антгельминтиklar самарадорлигини ўрганиш;

балиқ лигулидозларига қарши илмий асосланган даволаш-профилактик чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд вилоятининг турли типдаги сув ҳавзаларида карпсимонлар (*Cyprinidae*) оиласига мансуб соғлом ва лигулидлар билан табиий зарарланган балиқлар, *Ligula intestinalis* ва *Digramma interrupta* ҳамда уларга қарши қўлланилган турли антгельминтик препаратлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб балиқ лигулидозларининг тарқалиш даражаси ва мавсумийлик кўрсаткичлари, кўзғатувчиларнинг морфологияси, тур таркиби, балиқ лигулидозларини даволаш, олдини олиш ва қарши курашиш чора-тадбирлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда умумқабул қилинган клиник, морфологик, гельминтологик, ихтиопаразитологик, экологик, статистик ва қиёсий таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Самарқанд вилояти шароитида карпсимонлар (*Cyprinidae*) оиласига мансуб балиқлар лигулидозларининг эпизоотологик ҳолати аниқланган;

балиқ лигулидозларини тарқалиши биоэкологик омиллар, йил фасллари ва уларнинг ёшига боғлиқ ҳолда кечиши исботланган;

балиқ лигулидозларига қарши «Монезол», «Празиквантель» ёки «Панафенб» препаратларини йилига икки мартаба балиқларнинг озукасига 0,3 г/кг миқдорида (баҳор ва куз ойларида) қўшиб бериш усули ишлаб чиқилган;

балиқ лигулидозларини оралиқ хўжайинларига қарши курашишда сув ҳавзаларига баҳор ва куз ойларида сўндирилган оҳак ва мис купороси аралашмаси ҳамда кальций гипохлорид билан ишлов берилганда юқори самара бериши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Самарқанд вилоятининг балиқчилик хўжаликларида кенг тарқалишга эга бўлган лигулидозларнинг турлари аниқланган, уларнинг эпизоотологияси ва мавсумий динамикаси ўрганилган;

балиқ лигулидозларига ташхис қўйиш, даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган;

балиқларнинг инвазион касалликларига қарши қўлланилган замонавий антгельминтик воситаларнинг самарадорлиги тажрибаларда илмий асосланган;

балиқларнинг инвазион касалликларига қарши даволаш ва профилактик тадбирларни ўтказиш муддатлари аниқланган ва илмий таҳлил қилинган;

Самарқанд вилояти ҳудудларидаги сунъий сув ҳавзаларида балиқлар гельминтозларига қарши ишлаб чиқилган профилактик чора-тадбирлар балиқчилик фермер хўжаликларига кенг жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Текширишларда замонавий тадқиқот усулларининг қўлланилганлиги, кенг қўламда йиғилган материаллар асосида олинган натижаларнинг назарий маълумотларга мос келиши, олинган маълумотлар замонавий статистик дастурлар асосида таҳлил қилинганлиги, олинган натижаларнинг етакчи нашрларда чоп этилганлиги ҳамда амалий натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки *Cyprinidae* оиласига мансуб карпсимон балиқлар лигулидозларининг эпизоотологияси ва мавсумий динамикаси таҳлил қилинган; даволаш, қарши кураш ва олдини олиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган, уларга қарши янги замонавий антигельминтиklar самарадорлиги аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки олинган натижалар Республикаимизнинг табиий ва сунъий сув ҳавзаларидаги балиқчилик хўжаликларида лигулидозга чалинган балиқларни аниқлаш ва даволаш, касалликларнинг олдини олиш ва уларга янги антгельминтик препаратларни қўлланиши, унинг самарадорлиги ҳамда ветеринария амалиётига жорий қилиниши натижасида ишлаб чиқаришга илмий асосланган тавсиялар берилганлиги билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Самарқанд вилояти шароитида карпсимон балиқлар лигулидозларининг эпизоотологияси, даволаш ва профилактика чора тадбирлари бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

«Балиқлар цестодозларининг диагностикаси, эпизоотологияси, даволаш ва профилактика чора-тадбирлари» ва «Балиқларни лаборатория текширишлари» бўйича тавсияномалар ишлаб чиқилиб, балиқчилик хўжаликларига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йил 16 ноябрдаги №02/23-382-сон маълумотномаси). Ушбу тавсияларни қўллаш натижасида балиқларнинг лигулидозларини барвақт диагностика қилиш, даволаш ва олдини олиш усулларини қўллаш орқали балиқ гельминтозларини кескин камайишига эришилган;

балиқлар лигулидозларига қарши курашиш ва олдини олишда «Монезол», «Празиквантел» ёки «Панафенб» препаратларини балиқнинг 1 кг тирик вазни ҳисобига 0,3 г миқдорида озукасига қўшиб, бир йилда икки мартаба (бахор ва кузда) қўллаш усули ишлаб чиқилган ва балиқчилик хўжаликларига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йил 16 ноябрдаги №02/23-382-сон

маълумотномаси). Натижада балиқларнинг лигулидозларига қарши қўлланилган препаратларнинг самарадорлиги 72-100% ни ташкил қилиб, сарфланган бир сўм харажатнинг иқтисодий самарадорлиги 85,09 сўмни ташкил қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 6 та жумладан, 2 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 та республика илмий журналларида ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган. Олинган натижалар асосида, 3 та тавсиянома тайёрланган.

Диссертациясининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 4 та боб, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, мавзунинг республика фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Самарқанд вилояти шароитида карпсимон балиқлар лигулидозларининг эпизоотологияси, даволаш ва профилактика чора тадбирларига оид адабиёт маълумотлари таҳлили**» деб номланган биринчи боби тўрт қисмга бўлинган бўлиб, «Балиқлар гельминтозларининг тавсифи ва тарқалиши» деб номланган биринчи қисмида балиқ гельминтозларининг умумий тавсифи, ривожланиш босқичлари, тана тузилиши, тарқалиши, асосий, оралиқ ва қўшимча хўжайинларига оид дунё олимларининг илмий тадқиқот ишлари натижалари келтирилган. «Балиқ цестодозларининг умумий тавсифи ва биологияси» деб номланган иккинчи қисмида олимлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари таҳлили асосида лигулидларнинг бошча (сколекс) ва қўплаб сегментлардан (стробилла) иборатлиги, балиқларнинг лигулидозлари Республикамиз худуди, МДХ ҳамда узоқ хорижий давлатларда кенг тарқалган бўлиб, муҳим эпизоотологик аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида олимларнинг тадқиқот натижалари келтирилган. «Балиқ гельминтларининг ривожланиш босқичлари» деб номланган учинчи қисмида хориж ва Республикамиз олимлари балиқ гельминтозларининг асосий хўжайин балиқчи қушлар, оралиқ хўжайинлари

қисқичбақасимонлар ва балиқлар организмидаги ривожланиш босқичлари тўғрисида кенг куламли материаллар келтирилган. «Цестодозларни даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари» деб номланган тўртинчи қисмида медицина ва ветеринария амалиётида ичак цестодозларини даволашда фенасал, бензамид, вермитид, гелмиантин, девирмин, йомезан, дихлосал, трихлосал, фенолидон, цестоцид, циклозамид каби препаратлардан кенг кўламда фойдаланиб келинган ҳамда яхши самара бериши илмий ишларининг тахлилида келтирилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот материаллари ва услублари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар жойи, объекти ва услублари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Текширишлар Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг «Зоопаразитология» ва «ОРТАТЕСН» кафедралараро лабораторияларида касалликка чалинган балиқларни органолептик, клиник текшириш, гелминтологик, ихтиопаразитологик, патологоанатомик ёриб кўриш усулларида текширилди. Самарқанд вилоятининг турли типдаги хусусан Оқдарё, Қорадарё ва Зарафшон дарёлари соҳилларидаги сунъий сув ҳавзаларида боқиладиган балиқларда олиб борилди. Жумладан: Пастдарғом туманидаги «Пулат балиқ ҳавзаси», «Ҳасан, Хусан, Бегали» ва «Хусниддин оила маркет», Оқдарё туманидан «Янгибой зарафшон ЛТД» балиқчилик хўжаликлари. Каттақўрғон туманидаги «Жаҳонгир зоғора балиқлари», «Соҳибжон зоғора балиқлари», «Каттақўрғон жайхуни», «Отабек Дустов», «Сутхўр», «Рустамов Иброҳим Хасанович» балиқчилик фермер хўжаликларида боқиладиган карпсимонлар (*Cyprinidae*) оиласига мансуб лигулидлар билан зарарланган балиқларда олиб борилиб, текширишлар 2016-2021 йиллар давомида уч босқичда амалга оширилган.

Биринчи босқичда - балиқ лигулидозларининг эпизоотологияси Самарқанд вилояти аҳолисига қарашли балиқчилик хўжаликлари ҳамда Оқдарё, Қорадарё ва Зарафшон дарёларидаги балиқларда лигулидозларнинг тарқалиш даражасини аниқлаш бўйича гелминтологик текшириш тадбирлари амалга оширилди. Дастлаб балиқчилик хўжалиқларининг жойлашуви, геогафик ҳамда климатик ва экологик хусусиятлари, зоогеиеник ҳолати, иқлим шароитлари, балиқлар рационининг таркиби ва оралиқ хўжайинларининг тарқалиш даражаси ўрганилди. Бунда адабиёт маълумотлари ва вилоят ҳайвонлар касалликларига ташхис қўйиш ва озиқ-овқат хавфсизлиги давлат марказларининг статистик маълумотларидан фойдаланилган.


Иккинчи босқичда - балиқ лигулидларининг морфологияси, биологияси ва касалликка ташхис қўйиш, даволаш бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Учинчи босқичда – олдини олиш ва қарши курашиш чора тадбирлари ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилди. Бунда карпсимон балиқлар лигулидозларининг олдини олиш мақсадида баҳор ва куз ойларида Альбен, Метцальбен препаратларидан 1 кг тана массасига 20 мг, ҳамда Празиквантел, Панафенб, Монезол препаратларини 1 кг тана массасига 0,3 г озукаси орқали едириш касалликка қарши курашишнинг эртачи ва самарали усули эканлиги тажрибалар давомида исботланган.

Диссертациянинг «Балиқ лигулидозларининг эпизоотологияси, уларга таъсир қилувчи омиллар ва олинган натижалар» деб номланган учинчи бобида карпсимон балиқлар лигулидозларининг эпизоотологияси, уларга таъсир қилувчи омиллар ва зарарланган балиқларни инвазия интенсивлик ва экстенсивлик динамикаси ёритилган.

Ушбу бобнинг биринчи бўлимида ҳавзаларда сувнинг рН кўрсаткичи муҳим аҳамиятга эгалиги ва бу кўрсаткичнинг тушиб кетиши (шароитнинг кислотали муҳитга ўзгариши) оралик хўжайин ҳисобланган қисқичбақасимонларнинг ривожланиши учун қулай шароитни вужудга келтириши ҳамда «Сутхўр» балиқчилик хўжалигида бу кўрсаткич кислотали муҳитга тушиб кетиши (6,6) ҳисобига қисқичбақасимонларнинг кўпайиб кетиши тажрибаларда кузатилиши келтирилган.

Текширувдан ўтказилган 332 дона карпсимон балиқларининг 43 донаси (13,0%) *Ligula intestinalis* топилган бўлса, 17 донаси (5,1%) *Digramma interrupta* кўзгатувчиси топилди (1-расм). Тадқиқотларимиз 2016-2021 йилларда Самарқанд вилояти Каттакўрғон туманидаги лигулёзга носоғлом хўжаликлардаги 1-3 йиллик карп турига оид балиқларни текширувдан ўтказганимизда, 2016 йили жами 174 дона балиқлар тўлиқ гельминтологик текширувдан ўтказилди.



1- расм. Балиқлар лигулёзи ва диграммозда ИИ ва ИЭ кўрсаткичлари

Ушбу текширишларимиз натижасида бир йиллик 70 дона балиқнинг уч донаси (4,3%), икки йиллик 55 дона балиқларнинг 8 донаси (14,5%), уч йиллик 49 дона балиқларнинг 8 донаси (16,3%) *Ligula intestinalis* кўзгатувчилари топилди. Жами 174 дона балиқларнинг 19 донаси зарарланган бўлиб, инвазия экстенсивлиги эса 10,1% ни ташкил қилди (2-расм).

2018 йили жами 185 дона балиқлар тўлиқ гельминтологик текширувдан ўтказилди. Ушбу тадқиқотларимиз натижасида бир йиллик 75 дона балиқнинг 3 донасидан (4,0%), икки йиллик 60 дона балиқларнинг 10 донасидан (16,7%), уч йиллик 50 дона балиқларнинг 9 донасидан (18,4%) *Ligula intestinalis* қўзғатувчилари топилди. Жами 185 дона балиқларнинг 22 донасида, инвазия интенсивлиги мос равишда 1-2; 1-3 ва 1-3 нусха, инвазия экстенсивлиги эса 11,9% ни ташкил қилди. Жами 135 дона балиқларнинг инвазия интенсивлиги 1; 1-3; 1-3 нусхани ва зарарланган балиқлар 17 донани, инвазия экстенсивлиги эса 12,6% ни ташкил қилди.


2019 йили жами 63 дона балиқлар нотўлиқ гельминтологик текширувдан ўтказилди. Ушбу текширишларимиз натижасида бир йиллик 22 дона балиқларнинг 1 донасидан (4,5%), икки йиллик 17 дона балиқларнинг 3 донасидан (17,6%), уч йиллик 24 дона балиқларнинг 5 донасидан (20,8%) *Ligula intestinalis* қўзғатувчилари топилди. Жами 63 дона балиқларнинг инвазия интенсивлиги 1; 1-3; 1-3 нусхани, зарарланган балиқлар 9 донани, инвазия экстенсивлиги эса 14,3% ни ташкил қилди.

2020 йилдаги изланишларимизга кўра жами текширилган 43 дона бир йиллик балиқларнинг 3 донасидан (7%), икки йиллик 41 дона балиқларнинг 9 донасидан (22%) ҳамда уч йиллик 37 дона балиқларнинг 7 донасидан (18,9%) *Ligula intestinalis* топилди.

2021 йили жами 90 дона балиқлар тўлиқ гельминтологик текширувдан ўтказилди. Ушбу текширувларимиз натижасида бир йиллик 30 дона балиқларнинг 1 донасидан (3,3%), икки йиллик 30 дона балиқларнинг 4 донасидан (13,3%), ҳамда уч йиллик 30 дона балиқларнинг 5 донасидан (16,7%) *Ligula intestinalis* қўзғатувчилари топилди. Жами 90 дона балиқларнинг 10 донасида, инвазия интенсивлиги 1-3 нусха, инвазия экстенсивлиги эса 11,1% ни ташкил қилди.

2016-2021 йилларда олиб борган тадқиқот натижаларини таҳлил қиладиган бўлсак, 2016 йилга нисбатан 2017 йилга келиб балиқларнинг лигулидозлари 10,1% га ўсганлиги, 2018 йилда эса 12,6% га, карпсимонлар лигулидозининг ИИ ва ИЭ кўрсаткичлари ўсиб бораётганлиги кузатилди (2-расм).

2019 ва 2020 йилларни таққослаганимизда, 2020 йилга келиб 2019 йилга нисбатан бир йиллик балиқларда инвазия экстенсивлиги мос равишда 4,5% дан 7,0% га, икки йиллик карп балиқларида 17,6% дан 22,0% га зарарланиш даражасининг ўсганлигини кузатиш мумкин. Уч йиллик балиқларда эса инвазия экстенсивлигининг пасайганлиги, жумладан, 20,8% дан 18,9% га тушганлиги кузатилади. Умумий олганда жами 2019 йилда текширилган 63 дона балиқларнинг ИЭ 14,3% ни, 2020 йилга келиб жами текширилган 121 дона балиқларнинг ИЭ эса 15,7% ни ташкил қилди. 2021 йилнинг июн ойигача бўлган тадқиқотлар натижасига кўра карпсимонлар лигулидозининг ИИ 1-3 нусхани, ИЭ 11,1% ни ташкил этди. 2016-2021 йиллар давомида бир йиллик балиқларда ўртача 4,7%, икки йиллик балиқлар 16,9%, уч йиллик балиқлар эса 18,5% лигулидлар билан зарарланганлиги аниқланди (2-расм).



2-расм. 2016-2021 йилларда карп турдаги балиқларни *Ligula intestinalis* билан зарарланиш даражаси

2020 йилдаги изланишларимизга кўра жами текширилган 48 дона бир йиллик балиқларнинг 6 донасидан (12,5%), икки йиллик балиқларнинг 11 донасидан (22,4%) ҳамда уч йиллик 26 дона балиқларнинг 2 донасидан (7,7%) *Ligula intestinalis* топилди. 2019 ва 2020 йилларни таққослаганимизда, 2020 йилга келиб 2019 йилга нисбатан бир йиллик балиқларда инвазия экстенсивлиги мос равишда 11,4% дан 12,5% га, икки йиллик карп балиқларида 18,6% дан 22,4% га зарарланиш даражасининг ўсганлигини кузатиш мумкин.

Уч йиллик балиқларда эса инвазия экстенсивлиги пасайганлиги жумладан 12,5% дан 7,7% га пасайгани кузатилади. Умуман олганда инвазия экстенсивлик 2019 йилда текширилган жами 102 дона балиқларнинг ИЭ 14,7% ни, 2020 йилга келиб жами текширилган 121 дона балиқларнинг 15,4% ни ташкил қилган (3-расм).


Текширувларимизни дўнгпешона балиқларида олиб борганимизда, 2019 йили жами 21 дона бир йиллик балиқлар нотўлиқ гельминтологик текширувдан ўтказилганда барчаси лигулёзга соғлом эканлиги аниқланди. Икки йиллик 17 дона балиқларнинг 1 донасидан (5,9%), уч йиллик 11 дона балиқларнинг 1 донасидан (9,1%) *Ligula intestinalis* қўзғатувчилари топилди. Жами 49 дона зарарланган балиқлар 2 донани, инвазия экстенсивлиги эса 4,1% ни ташкил қилган.

Иккинчи бўлимда Каттақўрғон туманидан текширувдан ўтказилган жами 200 дона тутилган карпсимон балиқларини патологоанатомик ва нотўлиқ гельминтологик ёриб кўриш усули билан текширганимизда 28 донаси яъни 14,0% ,Оқдарё соҳилларидан жами 180 дона тутилган балиқларнинг 24 донаси

яъни 13,3%, Пастдарғом туманидан тутилган 130 дона балиқларнинг 12 донаси яъни 9,8% и лигулидлар билан зарарланганлиги аниқланган (4-расм).




3-расм. Балиқ қорин бўшлиғидаги *Ligula intestinalis* плероцеркоиди



4-расм. Каттакўрғон ва Пастдарғом туманларидаги фермер хўжаликлари балиқларини гельминтозларга текшириш натижалари

Баҳор ойида текширилган 130 дона балиқларнинг 11,5% (15 дона) и, куз ойларида текширувдан ўтказилган карпсимон балиқларнинг 17,1% (48 дона) и лигулидлар билан зарарланганлиги аниқланди (5- расм).



5-расм. Баҳор ва куз мавсумларида «Хусниддин оила маркет» балиқларини лигулидозларга текшириш натижалари

2020 йилда ўтказилган изланишларимизга кўра жами текширилган 25 дона бир йиллик балиқларнинг 1 донасида (4,0%), жами 23 дона текширилган икки йиллик балиқларнинг 4 донасида (17,4%) ҳам да уч йиллик 9 дона балиқларнинг 1 донадан (11,1%) *Ligula intestinalis* топилди. 2019 ва 2020 йилларни ўзаро таққослаганимизда, 2020 йилга келиб 2019 йилга нисбатан бир йиллик балиқларда инвазия экстенсивлиги мос равишда 0,0% дан 4,0% га, икки йиллик карп балиқларида 5,9% дан 17,4% га ва уч йиллик дўнгпешона балиқларининг 9,1% дан 11,1% га зарарланиш даражасининг ўсганлигини кузатиш мумкин. Натижада жами 2019 йилда текширилган 49 дона балиқларнинг ИЭ 4,1% ни, 2020 йилга келиб жами текширилган 57 дона балиқларнинг 10,5% ни ташкил қилди.

Бундай ҳолатни балиқчилик хўжаликларда кенг тарқалган оралик хўжайинлар ҳисобланган моллюскалар, дафния ва циклопларни ўз вақтида бартараф этишга қаратилган тадбирларнинг ишлаб чиқилмаганлиги ва йўлга қўйилмаганлиги билан изоҳлаш мумкин. Текширувдан ўтказилган учала тур балиқларнинг инвазия интенсивлиги ва инвазия экстенсивлигини қисман ўсиб борганлигини тажрибалар натижасига кўра кузатиш мумкин.

Хусусан, жами бўлиб 155 дона ҳар хил турга мансуб балиқлар гельминтологик текширувдан ўтказилди. Шундан текширилган 41 дона илон балиқнинг 6 таси яъни 14,6% и лигула билан зарарланган бўлиб инвазия интенсивлиги ўртача 1-3 нусхани ташкил қилди. 69 та Сазан турига мансуб

текширилган балиқлар 15 таси яъни 18,8% лигула билан зарарланган бўлса, 2 таси диграммоз билан зарарланган бўлиб 2,9% ни ташкил қилди. Инвазиянинг интенсивлиги эса мос равишда 2-5 ва 1 нусхани ташкил қилди. 45 та оқ амур туридаги балиқлар текширувдан ўтказилганда, уларнинг 9 тасида *Ligula intestinalis* кўзгатувчиси топилди, лигулидозлар билан зарарланиш даражаси 20,0% га тенглиги аниқланди. Инвазиянинг интенсивлиги эса 1-4 нусхани ташкил қилди.

Текширишлар натижасига кўра, Самарқанд вилоятининг Каттақурғон тумани ҳудудидаги фермер хўжаликлари ва табиий сув ҳавзаларидаги балиқларнинг лигулидозлар билан зарарланиши ўртача 19,3% ни ташкил қилди. Шундан *Ligula intestinalis* 18,0%, *Digramma interrupta* 1,3% ни ташкил этди.

Диссертациянинг «**Балиқ лигулидозларини даволаш ва олдини олишда айрим антгельминтик препаратларнинг самарадорлиги**» деб номланган тўртинчи бобининг биринчи бўлимида ушбу касалликни даволашда монезолли гранула 50 кг даволовчи озуқа касаллик кўзгатувиларига қарши курашишда 1 ёшгача бўлган бир ёзлик (сеголетка) ларга 1 кг тана вазнининг 8% миқдорида (1 кг тирик вазнга 0,34 г таъсир этувчи модда тўғри келади), 3 ёш ва насилли (5-6 ёшли) балиқларнинг 1 кг тана вазнининг 6% миқдорида (1 кг тирик вазнга 0,25 г таъсир этувчи модда тўғри келади) қўлланилиши ёритилган.

Бизнинг тажрибамиздаги балиқлар икки йиллик балиқлар бўлиб 1 кг тана вазнининг 7% миқдорида (1 кг тирик вазнга 0,3 г таъсир этувчи модда тўғри келади) қўлланилди. 14 кундан сўнг балиқлар қайта ихтиопаразитологик текширувдан ўтказилганда балиқларнинг барчаси 100% зарарсизланганлиги аниқланди. Ҳар бир балиқ ўртача 1,5 кг вазни ташкил этди. 30 дона (45 кг) балиққа 3,2 кг даволовчи гранула берилиб 100% лик самарадорликка эришилди. Назорат гуруҳидаги балиқларда эса ҳеч қандай ўзгаришлар кузатилмади.


Альбенли гранула шаклидаги терапевтик дозаси 0,30-0,34 г/кг икки марта 24 соат оралиқда берилганда терапевтик самарадорлиги 72% ташкил этди. Назорат гуруҳидаги балиқларда эса ҳеч қандай ўзгаришлар кузатилмади.

Лигулид кўзгатувчиларига панафенбли гранула 100 кг даволовчи озуқа касаллик кўзгатувиларига қарши курашишда икки йиллик балиқларга 1 кг тана вазнининг 7% миқдорида (1 кг тирик вазнга 0,3 г таъсир этувчи модда тўғри келади) қўлланилди, 14 кундан сўнг балиқлар қайта ихтиопаразитологик текширувдан ўтказилганда балиқларнинг барчаси 100% зарарсизланганлиги аниқланди.

Ҳар бир балиқ ўртача 1,5 кг вазни ташкил этди. 50 дона (75 кг) балиққа 5-5,5 кг даволовчи ганула берилди. Назорат гуруҳидаги балиқларда эса ҳеч қандай ўзгаришлар кузатилмади. Тажрибаларимиз давомида празиквантел антгельминтик воситасини 0,4 г/кг тана массасига даволовчи ганула орқали уч турдаги балиқларга қўллаганимизда, лигулёз билан зарарланган балиқларнинг барчасига 100% лик самарадорликка эришилди. Назорат гуруҳидаги балиқларда эса ҳеч қандай ўзгаришлар кузатилмади.

Шунингдик метцальбен суспензияси уч турдаги балиқларда қўлланилганда, карп туридаги 19 дона зарарланган балиқларнинг 4 донасига

таъсир этмаганлиги яъни 79% самарадорлик, сазан туридаги касалликка чалинган балиқларнинг 15 донасининг 3 донасига таъсир этмаган бўлиб самарадорлик 80% ни ташкил этди. Назорат гуруҳидаги балиқларда эса ҳеч қандай ўзгаришлар кузатилмади (6-расм).



6-расм. «Рустамов Иброхим Хасанович» фермер хўжалиги 2019-2021 йилларнинг июн ва октябр ойларида монезол ва альбен препаратлари орқали гельминтсизлантириш натижалари

I-гуруҳда инвазия экстенсивлиги (ИЭ) 22%, инвазия интенсивлиги (ИИ) 2 нусхани ташкил этди. Гельминтсизлантириш мақсадида Альбендазол суспензияси (10%) 0,10 мл/кг қўлланилганда ИЭ 22%, ИИ 2 нусхани ташкил этди, препаратни самарадорлиги 0 % ни ташкил этди.

II-гуруҳда худди юқоридагидек ИЭ 22%, ИИ 2 нусха бўлган, Альбендазолли суспензия (10%) 0,10 мл/кг нисбатда қўлланилганда 14 кундан кейин қайта текширилганда ИЭ 5%, ИИ 1 нусхани ташкил этди. Препаратнинг самарадорлиги 77,3% ни ташкил этди.

III-гуруҳдаги тажрибаларда гижжасизлантиришдан олдин ИЭ 23%, ИИ 3 нусхани ташкил этди. Бу гуруҳдаги балиқларни Панафенб (22%) билан 0,2 г/кг дозада гижжасизлантирганимиздан кейин орадан 14 кун ўтгандан кейин қайта текширувдан ўтказганимизда ИЭ 14%, ИИ 1 нусхани, препаратнинг самарадорлиги 39,1 фоизни ташкил этди. Худди ушбу антгельминтикни IV-гуруҳга 0,4 г/кг дозада бериб, натижа 14 кундан кейин қайта текширилганда ИЭ ва ИИ нолга тенг бўлиб, препаратнинг самарадорлиги 100 % ни ташкил этди.

V-гурухдаги тажрибаларда гижжасизлантиришдан олдин ИЭ 18%, ИИ 2 нусхани ташкил қилиб, бу гуруҳга Метцальбен (10%) 0,10 мл/кг нисбатда берилганда, гижжасизлантиришдан 14 кун ўтгач қайта текширилганда, ИЭ 16%, ИИ 1 нусхани, препаратнинг самарадорлиги эса 11,1% ни ташкил этди. VI гуруҳдаги балиқларда Метцальбен (10%) ни 0,20 мл/кг доза қўллаганимизда 14 кундан қайта текширилганда ИЭ 4 %, ИИ 1 нусхани ташкил этиб, препаратнинг самарадорлиги 77,8% ни ташкил этди.

Худди шунингдек VII гуруҳ балиқлари текширилганда ИЭ 24%, ИИ 3 нусхани ташкил этди. Бу гуруҳга Монезол суспензияси 0,10 мл/кг нисбатда қўлланилганда ИЭ 18%, ИИ 1,5% ни ташкил этди. Препаратнинг самарадорлиги 25% ни, VIII гуруҳга ушбу препаратни 0,20 мл/кг дозада қўлланилганда ИЭ 0,0 фоиз, ИИ 0 нусха, препаратни самарадорлиги 100% ни ташкил этди.

IX-гурух балиқлари текширилганда ИЭ 22%, ИИ 2 нусхани ташкил этди. Ушбу гуруҳга Празиквантел 0,2 г/кг дозада қўлланилганда, орадан 14 кун ўтгандан кейин қайта текширилганда ИЭ 19%, ИИ 1 нусхани, препаратнинг самарадорлиги эса 13,6% ни ташкил этди. X гуруҳга ушбу препаратни 0,4 г/кг дозада қўллаганимизда ИЭ 0, ИИ 0 га тенг бўлиб, препаратнинг самарадорлиги 100 % ни ташкил этди.

Назорат гуруҳида эса мос равишда ИЭ ва ИИ ошиб бориши кузатилди. Антгельминтик қўлланилмасдан олдин балиқ қорин бўшлиғидан топилган *Ligulla intestinalis* (7-расм) қўзғатувчиси 1 нусха 57 см.



6-расм. *Ligulla intestinalis*

Йилнинг ёз ва куз ойларида лигулидозларнинг зарарланган оралик хўжайинлари кенг тарқалади ва шу даврларда уларда касалликга чалиниш жараёнлари кучаяди. Шу боисдан июн ва октябр ойларида лигулидозларга носоғлом хўжаликлар профилактик мақсадда гельминтсизлантириш ўтказиш

мақсадга мувофиқ. Июн ойида сутхўр балиқчилик хўжалигида 25 донадан жами 50 дона лигулидозлар билан зарарланган балиқларни икки гуруҳга ажратиб празиквантел ва альбен препаратларини самарадорлигини синовдан ўтказдик. Бунда празиквантел антгельминтик воситаси 0,4 г/кг тана массасига озуқа таркибига аралаштириб бир кунда икки маҳал берилганда 100% самарадорликка эришилди.

Альбен (10%) антгельминтик воситаси озуқа орқали 0,20 мл/кг тана массасига даволовчи гранула ҳолида берилганда эса 25 дона зарарланган балиқларнинг тўрт донаси зарарланганлиги тўлиқ патологоанатомик усулда ёриб кўрилганда маълум бўлди. Самарадорлик кўрсаткичи 84% ни ташкил этди. Тўрт дона зарарланган балиқлардан 1-2 нусха *Ligula intestinalis* қўзғатувчиси топилди (7-расм).

Ушбу бобнинг иккинчи бўлимида карпсимон балиқлар лигулидозларини профилактика мақсадида панафенб, монезол препаратларидан 0,3 г/кг, празиквантел 0,25 г/кг, альбендазол (10%), альбен ҳамда метцальбен препаратларини 0,20 мл/кг микдорда қўллаш тавсия этилди. Касалликни олдини олиш ва қарши курашиш мақсадида кимёвий зарарсизлантирувчи моддалар сифатида сўндирилмаган ҳамда хлорли оҳак, калций гипохлорид, формалдегид, натрий гидроксид, натрий ишқори ва мис купороси ишлатилди. Касалликнинг биологик занжирини узуш учун цестодоз қўзғатувчиларини оралик хўжайинларини йўқ қилиш мақсадида гектарига 100 кг оҳакка 5 кг мис купоросини аралаштириб сув ҳавзасига сепилиб, бир кундан сўнг 65% лик гипохлорит кальцийдан гектарига 6 кг дан хлорли тур қилиб чиқилганда касалликнинг оралик хўжайинлари қисқичбақасимонларни йўқ қилиш чоралари кўрилган.

Учинчи бўлимда қўлланилган антгельминт препаратларнинг самарадорлиги натижалари кўрсатилган бўлиб бунда ушбу кўрсаткич 72% дан 100% гача эришилган ва сарфланган ҳар бир сўм сарф харажатнинг иқтисодий самарадорлиги 85,09 сўмни ташкил этди.

ХУЛОСАЛАР

1. Балиқларнинг лигулидозлар билан зарарланиш даражаси Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида 14%, Пастдарғом туманида 9,8% ва Оқдарё туманида 13,3% ни ташкил этиб, лигулалар билан зарарланиш диграммалар билан зарарланишга нисбатан 8% га юқори эканлиги аниқланди.

2. Самарқанд вилояти туманларида балиқларнинг лигулидозлар билан зарарланишининг йилдан-йилга ўсиб бориши кузатилди. 2016 йилда 10,1%, 2017 йилда 11,9%, 2018 йилда 12,6%, 2019 йилда 14,3% ва 2020 йилда 15,7% ни ташкил этди.

3. Лигулидозларнинг инвазия экстенсивлиги балиқларнинг ёшига боғлиқ бўлиб, бу кўрсаткич бир ёзлик(сеголетка) балиқларда 2019 йилда 4,5%, 2020 йилда 7,0% ни, икки йиллик карп балиқларида шунга мос равишда 17,6% ва 22,0% ни ташкил этди, уч йиллик балиқларда эса аксинча инвазия экстенсивлигининг 20,8% дан 18,9% гача пасайиши кузатилди.

4. Балиқ лигулидозларининг тарқалиши баҳор ойларида 11,5% ни ташкил этиб, бу кўрсаткич йилнинг куз ойларига келиб 17,1% гача ошганлиги қайд этилди.

5. Балиқ лигулидозларига қарши қўлланилган Панафенб (22,2%) 0,4 г/кг, Празиквантел препаратини 0,4 г/кг миқдорда ёки Монезол (10%) суспензиясини 0,20 мл/кг миқдорда озучаларга аралаштирилиб 24 соат давомида икки марта қўлланилганда антигельминтик препаратларининг самарадорлиги 100% гача бўлиши тажрибаларда аниқланди.

6. Карпсимон балиқлар лигулидозларини даволашда Альбендазол (10%), Альбен (10%) ёки Метцальбен (10%) препаратлари 0,20 мл/кг миқдорда қўлланилганда самарадорлик шунга мос равишда 77,3%; 72%; 80% ни ташкил этди.

7. Лигулидозларни олдини олиш мақсадида баҳор ва куз ойларида Панафенб (22,2%) ёки Празиквантел препаратини 0,25 г/кг, Монезол (10%) ёки Альбендазол (10%) суспензиясини балиқлар озикасига 0,20 мл/кг миқдорда озучасига аралаштириб қўллаш яхши самара бериши тажрибаларда аниқланди.

8. Табиий ва сунъий сув ҳавзаларида баҳор ва куз ойларида 1 га сув ҳавзасига 100 кг сўндирилган оҳак ва 5 кг мис купороси аралашмаси қўлланилгач, 48 соатдан сўнг, 6 кг кальций гипохлориднинг қўлланилиши лигулидларни оралиқ хўжайинларини йўқ қилинишига эришилди.

9. Балиқлар лигулидозларига қарши ўтказилган даволаш-профилактик чора-тадбирларнинг иқтисодий самарадорлиги сарфланган 1 сўм харажат ҳисобига 85 сўмни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.06/30.12.2019.V.12.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ ИНСТИТУТЕ
ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ**

САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ

КУРБАНОВ ФЕРУЗ ЭНАТИЛЛАЕВИЧ

**ЭПИЗООТОЛОГИЯ, ЛЕЧЕНИЕ, ПРОФИЛАКТИКА И МЕРЫ БОРЬБЫ
ПРИ ЛИГУЛИДОЗАХ КАРПОВЫХ РЫБ В УСЛОВИЯХ
САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ**

03.00.06 – Зоология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ВЕТЕРИНАРНЫМ НАУКАМ**

Самарканд – 2022

Тема диссертации на степень доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2019.4.PhD/V35.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Самаркандском институте ветеринарной медицины.

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.samvmi.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: Даминов Асадулло Сувонович
доктор ветеринарных наук, профессор

Официальные оппоненты: Юлдашев Мансур Арзикулович
доктор биологических наук, профессор

Мавланов Сабиржон Ибодуллаевич
доктор ветеринарных наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация: Научно-исследовательский институт ветеринарии

Защита диссертации состоится «12» 02 2022 года в 14⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc.06/30.12.2019.V.12.01 по присуждению учёных степеней при Самаркандском институте ветеринарной медицины (Адрес: 140103, Самарканд, ул. М.Улугбека, дом 77, тел: (99866) 234-76-86; e-mail: www.samvmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского института ветеринарной медицины (зарегистрирована за № 14293). Адрес: 140103, Самарканд, ул. М.Улугбека, дом 77, тел: (99866) 234-76-86.

Автореферат диссертации разослан «21» 02 2022 г.
(протокол рассылки № 20 от «21» 02 2022 г.)



Х.Б. Юнусов
Председатель научного совета по
присуждению учёной степени, д.биол.н.,
профессор

Ш.Х. Курбанов
Учёный секретарь научного совета по
присуждению учёной степени, к.вет.н., доцент

К.Н. Норбоев
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению учёной степени,
д.вет.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора (PhD) философии)

Актуальность и востребованность темы диссертационной работы. В настоящее время спрос населения мира на сельскохозяйственную продукцию, в том числе рыбу и изготовленные из неё диетические пищевые продукты, увеличивается из года в год. Удовлетворение этой потребности, создание новых рабочих мест, ещё большее увеличение объёма производства рыбы считается важной задачей. «Паразитарные болезни встречающихся у рыб могут серьезно навредить развитию рыбной отрасли, а экономический ущерб составить в среднем 8-10%»¹. «В последние годы паразитарные заболевания рыб в водоемах и водохранилищах, получили широкое распространение, особенно лигулёз и диграмоз»². Исходя из этого, разработка мероприятий по выявлению, лечению и профилактике инвазионных болезней рыб в различных водоемах имеет большое научное и практическое значение.

Во всем мире повышение рентабельности рыболовства может быть достигнуто только за счет развития технологий эффективного использования водоемов, увеличения производства рыбной продукции, ускоренного развития интенсивного рыболовства в искусственных водоемах. Ключевую роль играет интенсивность производства рыб этого семейства в аквакультуре, их адаптация к разным водоемам и условиям, а также в формировании гельминтофауны региона. Поэтому своевременное выявление, эффективное лечение и профилактика гельминтозов у представителей этого семейства является актуальной.

После приобретения независимости, наряду со всеми отраслями животноводства, особое внимание уделяется развитию рыбной отрасли, обеспечению населения качественной рыбой и рыбопродуктами и развитию интенсивных методов развития рыболовства. На основе программных мероприятий, предпринятых в этом направлении, были достигнуты определенные результаты, в том числе по исследованию наиболее распространенных в республике видов рыб, их распространению и изучению биологических свойств. Наряду с этим, недостаточное внимание уделено исследованиям, направленным на лечение и профилактику гельминтозов, встречающихся у карповых рыб.

Исходя из этих задач, необходимо организовать научные исследования, направленные на разработку мер по выявлению и борьбе с гельминтозами у рыб, относящихся к семейству карповых (*Cyprinidae*) в водоемах республики, их лечению и профилактике.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему

¹ Ржавская Ф.М. Жиры рыб и морских млекопитающих. М.: Пищевая промышленность, 1976.-473 с.

² Русеник О.Т. Паразиты рыб озера Байкал (Фауна, сообщества, зоогеография, история формирования). М.: Товарищество научных изданий КМК, 2007.-571 с.

